


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
АХБОРОТНОМАСИ**

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



АЛИШЕР НАВОИЙ
НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
АХБОРОТНОМАСИ

ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ,
УСЛУБИЙ ЖУРНАЛ

2004 йил, 4-сон



Илк ўрта асрларда Жанубий Сўғд ижтимоий тузуми ва хўжалигининг ривожланиши

А. Яркулов

Резюме

Южный Согд – одна из древних исторических областей Средней Азии. Эта страна находилась в долине Кашкадарьи на перекрестке важных путей, которые вели в среднеазиатское Междуречье из Ближнего и Дальнего Востока. В данной статье автор излагает свои мнения по поводу развития социальной формации и хозяйствования в Южном Согда в эпоху раннего средневековья.

Resume

South Sogdiana was one of the ancient historical regions of Central Asia. This country was situated at the value of Kashkadarya on the crossroad of important ways, which lead to Central Asian between the two rivers from the near and far East. The author of this article presents his opinion about the development of South Sogd society and collectivization during the early Middle Ages.

Жанубий Сўғд қадимий Сўғд ҳудудининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Маълумки Жанубий Сўғд Зарафшон ва Хисор тоғ тизмаларининг оралиғида жойлашган тарихий вилоят бўлиб, Қашқадарё ҳавзасини ўз ичига қамраб олади. Бу ҳудуднинг тарихини ёритишда, гарчи бу ҳудудда кўплаб археологик қазилар ишлари олиб борилган бўлса-да, илк ўрта асрларда ижтимоий тузумнинг ривожланиши, синфий муносабатларнинг қарор топиши, савдо ва хўжалигининг шаклланишига оид айрим масалалар ҳам ёритилгани йўқ. Бу борада олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар давом этмокда.

Қадимда Жанубий Сўғд қадимги Бактрия, Аҳомонийлар, Александр Македонский, Салавийлар, Юнон-Бактерия ва Кушон давлати таркибига кирган. Шубҳасиз мана шу узоқ давр мобайнида Жанубий Сўғдда дастлабки синфий жамиятга асос солинади, ички ва ташқи савдо йўллари пайдо бўлади ва ниҳоят хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Албатта, бу ҳудуд ўз бошидан тинчгина ривожланиш йўлини кечирган эмас. Маҳаллий аҳоли вужудга келтирган маданият ва хўжаликни бир неча марталаб чет эл босқинчилари томонидан вайрон этилиши ёки ўзаро урушлар оқибатида шахар ва қишлоқларнинг хароб бўлиши бунга мисол бўла олади.

Қадимги дунёнинг йирик империяларидан бўлган Кушон ва Канг давлатларининг инқирозга юз тутиши, бутун Ўрта Осиёда бошланган тарқоқлик Сўғдга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Натижада мамлакатнинг мудофаа қобиляти сусайиб, шимол ва шимоли – шарқ томондан қўчманчи қабилаларнинг кириб келиши кучаяди. Кетма-кет кириб келган қўчманчи чорвадор аҳоли қадимги вилоятлар бўйлаб жойлашади, кейинчалик эса уларнинг ўтроқлашиши кузатилади. Бу қабилалар ўтроқлашган мамлакат аҳолиси маданиятига маълум даражада таъсир ўтказадилар.

Буни биз Қашқадарё воҳасида ишлаб чиқарилган илк ўрта асрларга оид куллончилик буюмларининг қўполлашиб кетганлигида ҳам кўришимиз мумкин. «Қашқадарё воҳасига қарашли Ойтуғдитапа номли тепаликни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу тепалик қазилганда худди шу тепанинг ёнгинасидан анча бошқача анъанага эга бўлган ва кўпроқ қўлда ясалган идишлар топилган» (Исомидинов, 38)

III-IV асрларда Ўрта Осиёда қулдорлик тузуми инқирозга учраб, унинг ўрнига янги ижтимоий тузум қарор топа бошлайди. Бу тузум феодализм тузуми бўлиб, ўзида аҳолининг янгича табақаланишини акс эттиради. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Сўғдда ҳам аҳолининг феодал тартибда табақаланиши рўй бера бошлайди. «О.И. Смирновнинг ҳулосасича, Сўғднинг ижтимоий тузилиши асоси, ёзма ва нумизматик манбааларга кўра, аҳоли уч асосий гуруҳга

бўлинади». (С.К. Кабанов, 98). Булар озодлар, (бир мунча кейинги манбааларда деҳқонлар. С.К.Кабанов, 98), кадиворлар, куллар бўлиб ҳисобланганлар.

Кашқадарё воҳасида шу даврдаги аҳоли қатламлари ҳақида ҳеч қандай аниқ бир фикр йўқ. Шунга қарамасдан айтиш мумкинки, Сўғднинг бошқа қисмларида бўлгани сингари бу ерда ҳам аҳоли юқорида келтирилган гуруҳларга бўлинади. «III – V асрларга оид Эрон ёзма манбааларига эътибор қаратиш мумкинки, деярли бир хил ривожланиш даражасига эга бўлган қўшни мамлакатлардан, Сўғднинг бир қисми бўлган Нахшаб жамияти учун ҳам аҳолининг бир хилдаги ижтимоий тузилиши ҳосилдир». (С.К. Кабанов, 99)

Аҳолининг бундай ижтимоий қатламларга бўлиниши, жамиятнинг кейинги таракқиётига катта таъсир кўрсатади. Феодал тузумнинг қарор топиши ер эгаллиги шакллариининг вужудга келиши ва ҳўжаликнинг феодал тартиблар асосида ривожланиб бориши кузатилади.

Бутун Ўрта Осиёда бўлгани сингари, илк ўрта асрларда Сўғдда ҳам феодал тарқоклик ҳўкм сурарди. Хар бир мулк эгаси кўчайиши билан тангалар зарб эттира бошларди. Уларнинг кўчайиши фақатгина сиёсий жиҳатдан ҳам кўзга кўриниши керак эди. Зарб этилган тангалар ички ва ташқи савдо учун мулжалланиб, бундай феодал мулкларнинг молиявий қудратини ошириш учун хизмат қилиши керак бўлган. Мана шундай зарб қилинган тангалар Нахшаб учун ҳам ҳосилдир. Тангаларнинг зарб қилиниши савдо муносабатларнинг ўсишига олиб келган. Ўз навбатида «шаҳарлар ва қишлоқлар орасидаги айрибошлаш жараёнининг жадаллашуви, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳўнармандчиликнинг таракқий қилишида савдо муносабатларнинг аҳамияти катта бўлган». (Қ. К – III. Т. I, 37)

Жанубий Сўғд географик жиҳатдан қўлай ерда жойлашганлиги билан бирга, Олд Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистонни Самарқанд ва Бухоро билан, шунингдек Фарғона ва Ҳитой билан боғловчи савдо йўлида жойлашган эди. Бу эса ташқи савдонинг ривожланиши учун асосий омил бўлиб ҳисобланган.

Илк ўрта асрларда ички ва ташқи савдони ривожлантириш учун савдо йўлларида жойлашган йирик қишлоқ ва шаҳарларда қарвонсаройлар ва расталар барпо қилинадик, бу ерда қарвонлар тўхтаб дам олиши, товар айрибошлаши, савдо ва маданий ҳаётга оид янгиликларни билиб олиши мумкин эди. «Қарвон йўлларида жойлашган йирик манзилгоҳлар орасидаги масофа 24 – 25 км га тенг бўлган.» (Қ. К – III. Т. I, 37)

Қадимдан Кашқадарё воҳаси тарихий жиҳатдан икки қисмга: Кеш – воҳанинг шарқий қисми, Нахшаб воҳанинг ғарбий қисмларига бўлинган. Шундай экан жанубий Сўғднинг бу алоҳида қисмларининг ўз қарвон йўллари мавжуд бўлган. Кеш Сўғднинг Самарқанд қисми бўлган. Нахшаб эса кўпроқ Бухоро воҳаси билан савдо муносабатларини йўлга қўйишган. Бу йўлларнинг қайси бирида кўпроқ савдо муносабатлари йўлга қўйилганини айтиш қийин. Лекин, шуниси аниқки, Кашқадарё воҳасининг бу иккала қисмидан қайси бири кўпроқ ривожланган бўлса, ўшанда савдо йўллари яхшироқ йўлга қўйилган. Айтиш мумкинки, Кеш ва Нахшаб вақти-вақти билан ўз ривожланиш пағонасига кўтарилиб турган.

Қўйидаги фикрлар бунга яққол мисол бўла олади.

«Араб муаллифи Ёқубийнинг маълумот беришича, Кеш маълум бир муддат бутун Сўғднинг пойтахтига айланади. Кеш шаҳри VII асрда юксак даражада ривожланиб, Ҳитой билан сиёсий – иқтисодий ва маданий алоқаларни кўчайтиради.» (Қ. К – III. Т. I, 28)

«X-XI асрларда Насаф (Нахшаб)нинг ривожланиши бошланади» (Қ.К – III.Т.I, 35)

Кеш ва Нахшабнинг иқтисодий юксалиши ҳўжалигининг бошқа соҳаларидаги ривожланишига ҳам боғлиқ эди. Илк ўрта асрларда Жанубий Сўғдда турли ҳўнармандчилик соҳалари: кулолчилик, шишасозлик, темирчилик, қончилик қабилар таракқий этганини кўрамыз. Бундай ҳўнарманчилик турларининг ривожланганлигини кўпгина ёдгорликларни қазиб ўрганиш чоғида кўришимиз мумкин. «Шулуктепада ҳар хил ҳўнармандчилик маҳсулотлари учрайди. Улардан энг яхши таракқий этганлари шишасозлик ва тўқимачилиқдир, қўшни Кешда эса манбалар металлургия ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигини кўрсатади Работнинг майдони кўздан кечирилганда темирчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мавжудлигини кўрамыз. Шулуктепа шаҳарчасида олиб борилган

қазишлар пайтида тўпланган кулолчилик материалларидан маълум бўлдики, ўрта асрларда Кеш ва Нахшаб кулоллари ажойиб муваффақиятларга эришганлар.» (М.Х. Исомиддинов, М. Х. Ҳасанов, 186).

Кўриниб турибдики, хунармандчиликнинг кўпгина соҳалари катори кулолчилик ҳам тараққий этган. Хунармандчиликнинг бу турини кузатар эканмиз, бошқа ҳудудлар маданий ютуқларининг бу ерга таъсири билан бирга, шу ернинг ўзида эришилган ютуқлар ҳам яққол кўриниб туради. «Айниқса кулолчилик чарҳида ишлаб чиқарилган кўзачалар диққатга сазовордир. Бундай кўзачалар фақат Қарши воҳаси учун характерлидир, қолган воҳаларда деярли бундай кўзачаларни учратмаймиз.» (М. Х. Исомиддинов, 37).

Илк ўрта асрларда Жанубий Сўғд хўжалиги ҳақида фикр юритилганда шубҳасиз, одамлар учун жуда муҳим бўлган озиқ – овқат маҳсулотлари ҳамда керакли хом ашё билан таъмин этувчи соҳалар деҳқончилик ва чорвачилик асосий ўрин эгаллашини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Қашқадарё воҳасида деҳқончилик обикор ва лалмикор усулларда олиб борилган. «Бу ерда ўрта асрларда маълум бўлган экинлардан буғдой, шולי, арпа, пахта, шунингдек, боғ ва полиз экинлари етиштирилган» (Қ.К – Ш.Т.Л, 37). Деҳқончилик маҳсулотлари, айниқса, полиз экинлари ва эрта пишар мевалар Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига чиқарилган. Мевалар курилган ҳолда ҳам узоқ мамлакатларга юборилган.

«Қашқадарё воҳасида қуёшга, ерга, сувга, ҳосилдорлик худосига (худолар Митра ва Анахита) сиғиниш» (Қ.К – Ш.Т.Л, 27) мавжуд бўлганлиги ҳам бу ерда деҳқончилик ва чорвачилик аҳолининг асосий машғулоти эканлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрларда чорвачилик билан асосан бу ерга кўчиб келиб ўтроқлашиб қолган чорвадор қабилалар шуғулланишган бўлиб, улар тоғ, тоғолди, дашт ва чўл ҳудудларида яшашган. Аҳолининг бу гуруҳи кўй, қорамол, от ва туя боқиш билан шуғулланишини уларнинг диний тасаввурларини ўзида акс эттирган турли кулолчилик буюмларида ҳам кўришимиз мумкин. «Улар чироғдон, оташдан ва ясси қилиб ишланган ўт сақлаш учун мўлжалланган идишлар эди... Бу хилдаги чироғдонларнинг белгиси шу эдики, уларнинг дастаси анча схематик тарзда ишланган ҳайвон шаклида ясалган.» (М. Х. Исомиддинов, 35). Бу хилдаги олов сақланадиган буюмларга ишланган ҳайвон тасвирлари аҳолининг шу ҳайвонга нисбатан шаклланган илоҳий тасаввурлари ёки шу ҳайвон билан боғлиқ хўжалигига эга эканлигидан далолат бериши мумкин.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда Жанубий Сўғдда феодализм тузуми қарор топа бошлайди. Аҳолининг янги табақалари шаклланиб, хўжалиги ана шу ижтимоий тузум асосида ривожлана бошлайди. Нафақат аҳоли қатламлари ўртасида, балки шаҳар ва қишлоқлар ўртасида ҳам меҳнат тақсимооти кучайиб, хўжалигидаги ихтисослашиш жараёни ривожланиб боради.

Адабиётлар

1. Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III-IV вв. –Т., 1981.
2. Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-IV вв). – Т., 1977. С 98-99.
3. Исомиддинов М.Х., Ҳасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. –Т., 2000. С 186
4. Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар –Т., 1998. 27-37 б.
5. Исомиддинов М.Х. Саполга битилган тарих. –Т., 1993. С. 35-38.

Қатағон қурбонлари

А.Э. Тойиров

Резюме

В данной статье на основе архивных источников предложен анализ колонизаторской политики России в 20-е–30-е годы XX в на территории Узбекистана в частности Самаркандской области показаны факты репрессий по отношению к группам

М У Н Д А Р И Ж А

ФАЛСАФА

О. Бозоров. Демократия ва демократик жамият қуришнинг айрим тамонилари.	3
Д. Раҳимова. Талаба ёшлари ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари.	5
М.К. Мирзаева. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиётида буюк ипак йўлининг аҳамияти.	10
Ю.Салимов. Ўзбекистонда миллий тарбия концепциясининг социологик масалалари.	14

ТАРИХ

А.Л. Тилавов. Сведения Абул Фазли о Индо-Среднеазиатских взаимоотношениях (вт. пол. XVI в.).	17
А. Ярқулов. Илк Урта асрларда Жанубий Суғд ижтимоий тузуми ва ҳужжатлигини ривожланиши.	19
А.Э. Тойиров. Катагон қурбонлари.	21
Х.М. Мамараҳимов. Хожа Аҳрор Валиининг тарихда тутган урни ва унинг совет тарихчилари томонидан сохталаштирилиши туғрисида.	24
А. Болтаев. Жиззах воҳасида сунбий сугориш тарихидан.	27
Н. Холатов. Урта Зарафшон неолит даври моддий маданиятининг баъзи хусусиятлари (Тепакул-4 макони асосида).	31

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

К. Назаров. Ўзбекистон Республикаси икки палатали олий мажлиси шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари.	38
А. Ғуломов. Ҳужалик шартномасини тузишнинг ижтимоий-ҳуқуқий тартиби.	38
Д.Ф. Раҳимов. Ядерный терроризм как один из основных видов современного терроризма и международно-правовые аспекты борьбы с ним.	40
М. Қўлошев. Чор Туркистонда одат ҳуқуқи.	43
М.А. Сарсембаев. Взаимоотношения Казахстана и Узбекистана в свете международного права.	46
Д. Қурбонов. Жиноий қонунчиликни либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликнинг тушунчаси.	50

ИҚТИСОДИЁТ

М. Шодиев. Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодий тараққиётида янгича йуналишнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти.	54
А.Т. Мардонова. Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш самарасдорлиги.	58
М. Саггарова. Роль туризма в решении проблемы занятости.	60
И. Пардаев. Рақобатбардорликни баҳолашда бошқарув таҳлилининг нафислари.	63
С.Н. Ташназаров. Хорижий инвестициялар иштирокдаги корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини тақомиллаштириш.	66

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А. Абдурахмонов. Қадимги туркийларнинг қуқ тангри динига муносабат ҳақида.	71
Б.С. Михайличенко. Концепция идейно художественного сходства псалти и сонета.	73
А. Мухаммадиев. Мухий – замондошлари хотирасида.	76
Р. Орзиеков. Адабиётда тур ва жанрлар генеологиясини урганишга доир бир муҳим манба ҳақида.	79
Г. Холиқулова. Мирий лирикасида анъана ва маҳорат масалалари.	82
М. Бобоева. Суфи Оляохёр лирик меросининг баъзи хусусиятлари.	86
Ф. Салаев. Фантастик залия – бадийлик мезони.	88
Н. Афқова. Жаҳид газелиётида ишқий мавзу.	91

ТИЛШУНОСЛИК

У.С. Санакулов. Қадимги туркий тилимизни узида ақс эттирган муҳим ышба.	94
Д.А. Мухамедова. Ўзбек тилида матн ва унинг таркибидagi парцелляция ҳодисаси ҳақида.	96
М. Абдиев. Адабий мезёр ва соҳага оид дугавий система.	99
А. Пардаев. Ухшатиш маъносини билдирувчи кумакчиларнинг фнкционал-услубий хусусиятларига доир.	102
Х.Т. Умаров. Какофемизмлар, вулгаризмлар ва адабий норма.	104
А. Абдусайдов. Газета тилида андозаллик ва таъсирчанликнинг ўлчовлиги.	108
С. Мухамедова. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг падиене валеитлиги.	111

ЧЕТ ТИЛ

Е.А. Малиновский. Об устаревшей фразеологии русского языка.	115
М. Бегматов. Ҳозирги замон немис тилида эллипис ҳодисасининг айрим қуришлари.	117
Д.А. Зийнуддинова. Прагматические аспекты характеристики языковой личности.	120
С.Н. Исмаилов. Отрицательная информация: синтаксических формы её представления во французском языке.	123
Б.Б. Одилов. Синтактик бирдиклар семантикасини таҳлид қилиш усуллари.	125
Ф.Ш. Рузикулов. Предлоги гуруҳ инглиз тили гап компоненти сифатида.	127
Л. Холияров. Созла гапларнинг матилар келтириб чиқариш ыкмоялари.	130

ПЕДАГОГИКА ва ПСИХОЛОГИЯ

А.Н. Бекмуратов. Студентам вузов педагогического профиля – об интеллектуальном наследии великих мыслителей Востока.	135
Х.К. Буриев. Ҳалқ озғак ижодида экологик қарашлар ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш.	138
М.Х. Лутфиллаев. Ахборот технологиялари интеграцияси асосида укув жараёни тақомиллаштиришнинг назарий асослари.	140
И. Хайриев. Укув жараёнида студент характеридagi продавий компонентларининг намоён бўлиши.	145
Ш.Файзуллаев. Талабаларда миллий қадриятлари устиришнинг айрим психологик асослари.	148

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

А. Ғуломов. Мустақиллик даврида спортнинг жамиятда тутган урни.	151
И.Шодиев, У.Дусанов. Талабаларни мактабда маънавий тарбияни ачашга оширишга тайёрлаш.	153

ТАҚРИЗ

З. Муқунов. Дарслик мукамал бўлсин.	159
Муаллифлар ҳақида маълумот.	162